

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Гидрометеорология хизмати**  
**маркази Бош директори**



**И. Ҳабибуллаев**  
**\_\_” август**

**Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати**  
**маркази Ҳайъат йиғилишининг**  
**11-сон БАЁНИ**

“27” август 2021 йил

Тошкент шаҳри

**Раислик қилди:** Ш.Ҳ.Ҳабибуллаев – Ўзгидромет Бош директори

**Қатнашдилар:** Ўзгидромет вақтинчалик ҳайъати аъзолари, марказий аппарат бошқарма ва бўлим бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар гидрометеорология бошқарма бошлиқлари, Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти, Метеоинфоком ДМ ҳамда Тошкент гидрометеорология техникуми раҳбарлари (*рўйхат бўйича*)

**КУН ТАРТИБИ:**

**I. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил 17 август куни “Янги Ўзбекистон” газетасига берган интервьюсидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида**

*Ҳисобот берувчи: Бош директорнинг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига роя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси Қ.Кулумбетов*

**II. Гидрометеорология хизмати марказий аппаратидаги “Иқлим ўзгариши мониторинги” бошқармаси ҳамда “Халқаро ҳамкорлик” бўлимидаги тузилмавий ўзгаришлардан келиб чиқиб ишларни ташкил этиш ҳақида.**

*Ҳисобот берувчи: Бош директор ўринбосари Ф.Сафаров*

**III. Гидрометеорология техникумига 2021-2022 ўқув йилига қабул ишларини ташкил этиш бўйича олиб борилаётган ишлар натижадорлиги тўғрисида.**

*Ҳисобот берувчилар: Техникум директори Е.Даулетов ва унинг ўринбосари*

**IV. Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти томонидан тизимдаги ишчи-ходимлар ва абитуриентларни Тошкент давлат Миллий университетига ташкил этилган гидрометеорология факультетига ўқишга хужжат топширишлари бўйича амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги ҳақида.**

*Ҳисобот берувчи: Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти директори Ф.Агзамов*

Кун тартибидаги масалалар бўйича ҳисоботлар эшитилиб, Ҳайъат йиғилиши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**I. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил 17 август куни “Янги Ўзбекистон” газетасига берган интервьюсидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида.**

*(Ҳабибуллаев, Кулумбетов ва ҳайъат аъзолари ... Ҳабибуллаев )*

1. Бош директорнинг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси Қ.Кулумбетовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил 17 август куни “Янги Ўзбекистон” газетасига берган интервьюси бўйича берган ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзгидромет марказий аппарати бошқарма, бўлим бошлиқлари, худудий гидрометеорология бошқармалари ва қуйи тизим ташкилот раҳбарлари Давлат раҳбарининг юқоридаги “Янги Ўзбекистон” газетасига берган интервьюсидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир ходим ўзининг иш фаолияти давомида тегишли бўлган вазифаларни аниқ белгилаб олиш ҳамда соҳага доимий ижро қилиб борилишини таъминласинлар.

**II. Гидрометеорология хизмати маркази аппаратидаги “Иқлим ўзгариши мониторинги” бошқармаси ҳамда “Халқаро ҳамкорлик” бўлимидаги тузилмавий ўзгаришлардан келиб чиқиб ишларни ташкил этиш ҳақида.**

*(Ҳабибуллаев, Сафаров, Ибрагимова, Ҳоджамуродов ва ҳайъат аъзолари,... Ҳабибуллаев)*

1. Халқаро ҳамкор ташкилотлар билан алоқаларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш орқали тизимга инвестицияларни жалб этиш мақсадида Гидрометеорология хизмати маркази аппаратидаги “Иқлим ўзгариши мониторинги” бошқармаси ҳамда “Халқаро ҳамкорлик бўлими”даги тузилмавий ўзгаришлардан бўйича таклифлар Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти илмий кенгашида муҳокама қилиниб, бир овоздан тасдиқланганлиги ҳамда Ҳайъат йиғилишида овозга қўйилиб, бир овоздан тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Бош директор ўринбосарлари (Каримов, Сафаров), Кадрлар бўлими (Ибрагимова) ташкил этилган янги бошқармани юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш бўйича ташкилий ишларни ўрнатилган тартибда амалга оширсин.

### **III. Гидрометеорология техникумига 2021-2022 ўқув йилига қабул ишларини ташкил этиш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан.**

*(Ҳабибуллаев, Даулетов, ва ҳайъат аъзолари,... Ҳабибуллаев)*

1. Гидрометеорология техникуми директори Е.Даулетовнинг 2021-2022 ўқув йилига қабул ишларини ташкил этиш бўйича олиб борилаётган ишлари юзасидан ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Соҳада янги ўқув йилига ўқувчиларни жалб қилиш бўйича ташкилий ва тарғибот-ташвиқот ишлари қониқарсиз ташкил этилганлиги қабўд этиб ўтилсин.

Бунда, техникум директори ўринбосарлари зиммасига юклатилган вазифалар тўлиқ ва ўз вақтида бажарилмаётганлиги учун уларнинг лавозимлари кўриб чиқилиб, таклиф киритилсин.

3. Кадрлар бўлими (Ибрагимова), қисқа муддат ичида тегишли бошқармалар билан биргаликда Гидрометеорология техникуми директори ўринбосарлари лавозимига юқори тажриба ва салоҳиятга эга бўлган номзодларни танлаб, тайинлаш бўйича таклиф киритсин.

4. Бош директор ўринборсари (Сафаров), Метеоинфоком ДМ (Болтабоев) **2 кун муддатда** Гидрометеорология техникумида қабул жараёни шаффофлигини таъминлаш ҳамда ўқишга ҳужжатлар топшириш бўйича қабулларни онлайн ўтказиш бўйича ишларни амалга ошириш чораларини кўрсин (телеграм бот, дастурий маҳсулот).

5. Бош директор ўринборсари (Каримов), Кадрлар бўлими (Ибрагимова), Гидрометеорология техникуми (Даулетов):

- вилоят гидрометеорология бошқармалари бошлиқлари билан биргаликда ҳозирда, бугунги куннинг энг долзарб муаммосига айланган тизимдаги ҳар бир ҳудудий бошқармада ўрта махсус маълумотга эга бўлмаган ходимларни Гидрометеорология техникумида ўқитиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган, зарур чораларни кўрсин;

- марказий аппарат бошқарма, бўлим, тизимдаги ташкилот раҳбарлари 1 ойда 2 маротаба техникумда очик дарс бериш бўйича таклиф киритсин.

6. Моддий-техник таъминот бошқармаси (Нарзуллаев), Метеоинфоком ДМ (Болтабоев) билан биргаликда Ўзгидромет балансидаги мавжуд фойдаланилмаётган техникаларни Гидрометеорология техникуми балансига ўтказиш чораларини кўрсин.

7. Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти (Агзамов) институтдаги малакали мутахассис-олимларни жалб этган ҳолда Гидрометеорология техникумида ўқув жараёнларини юқори савияда ташкил этиш ишларига амалий ёрдам кўрсатсин ҳамда доимий мониторинг олиб борсин.

8. Гидрометеорология техникуми директори (Даулетов) зудлик билан 2021-2022 ўқув йилига тайёргарлик ишларини ишларини тезлаштириш, техникумда фаолият кўрсатаётган барча ўқитувчи-педагог ходимларни масъулиятини ошириш ҳамда бажарилган ишлар юзасидан ҳар ҳафта Бош директорга батафсил ҳисобот бериб бориш вазифаси топширилсин.

#### **IV. Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти томонидан тизимдаги ишчи-ходимлар ва абитуриентларни Тошкент давлат Миллий университетига ташкил этилган гидрометеорология факультетига ўқишга ҳужжат топширишлари бўйича амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги ҳақида.**

---

*(Ҳабибуллаев, Агзамов, ва ҳайъат аъзолари,... Ҳабибуллаев)*

1. Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти Ф.Агзамовнинг Ўзгидромет тизимида 5 йилдан ортиқ хизмат олиб борган 71 нафар ишчи-ходимларни Бош директор тавсияномаси асосида Тошкент давлат миллий университетига ташкил этилган гидрометеорология факультетига ўқишга қабул қилинаётганли ҳамда Россия гидрометеорология университетига ўқишга ҳужжат топширишлари бўйича амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги ҳамда ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти (Агзамов), тегишли бошқарма ва бўлим бошлиқлари билан биргаликда Ўзгидромет марказий аппарати ва ҳудудий гидрометеорология бошқармалари кесимида олий маълумоти бўлмаган ходимларнинг Тошкент давлат Миллий университетига ташкил этилган гидрометеорология факультетига ҳамда Россия гидрометеорология университетига ўқишга ҳужжат топшириш ишларини жадаллаштирсин ҳамда амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммо ва таклифлар бўйича Бош директорга ахборот киритиб борсин.

#### **V. Кун тартибидаги бошқа масалалар бўйича.**

---

*(Ҳабибуллаев, Каримов, Сафаров ва ҳайъат аъзолари,... Ҳабибуллаев)*

1. Йиғилиш давомида белгиланган мақсадли кўрсаткичларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаш ҳамда кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш бўйича вилоят гидрометеорология ҳудудий бошқармалари бошлиқларининг ҳисоботлари эшитилиб, Ўзгидромет раҳбарияти томонидан белгилаб берилган вазифаларни ижроси бўйича шахсан масъул экани ҳақида қатъий огоҳлантирилди.

2. Марказий аппарат бошқарма бошлиқлари ва вилоят гидрометеорология бошқармалари раҳбарлари давлат мукофоти билан тақдирланганлар рўйхати асосида жойларга чиқиб, ўз ҳудудидаги фермер, кластер ва бошқа хизмат кўрсатган соҳа вакиллари билан шахсан учрашиб, 2021 йил 7 сентябрь кунига қадар Бош директорга ҳисобот бериш вазифаси топширилсин.

3. Йиғилиш сўнгида, Бош директор бошчилигида Ўзгидромет марказий аппарати ва тизим ташкилотларидан самарали меҳнат қилиб келаётган **31 нафар ходимларга** Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан таъсис этилган эсталик кўкрак нишонини тантанали равишда топшириш маросими бўлиб ўтди (тақдирланган ходимлар рўйхати илова қилинади).

4. Мазкур Ҳайъат йиғилишида юклатилган топшириқлар ижросини назорат қилиш Бош директор ўринбосарлари И.Каримов, Ф.Сафаров ҳамда тегишли бошқарма, бўлим бошлиқлари зиммасига юклатилсин.

5. Мурожаатлар билан ишлаш ва ижро интизоми бўлими (Қориев) Ҳайъат йиғилишида белгиланган вазифаларни ўз вақтида тўлиқ ва сифатли бажарилиши устидан Бош директорга ахборот киритиб борилиши таъминласин.